

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

347 Вазирлар Маҳкамасининг «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 318-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Олий таълим сифатини янада ошириш мақсадида, шунингдек Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетига айлантирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси» олий касб таълими давлат таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали номини «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети» олий касб таълими Федерал давлат бюджети таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали деб ўзгартириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 318-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 22 август,
239-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 22 августдаги 239-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Г.В. Плеханов номидаги Россия
иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали
фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги
318-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг номидаги «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги» сўзлари «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети» олий касб таълими Федерал давлат бюджет-ти таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 2 — 5-бандлар қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети» олий таълим Федерал давлат бюджет-ти таълим муассасасининг Тошкент шаҳрида-ги филиалига (кейинги ўринларда филиал деб аталади) Ўзбекистон Респуб-ликаси ҳудудида олий касб таълими соҳасида таълим фаолиятини юритиш ҳуқуқи берилсин.

Олий таълим сифатига қўйиладиган умумий эътироф этилган халқаро талабларга ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлаш филиалнинг асосий ва-зифаси ҳисоблансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети» олий касб таълими Федерал давлат бюджет-ти таълим муассасасининг алоҳида тар-кибий бўлиниши — олий таълимнинг барча босқичида бакалаврият ва ма-гистратура бўйича мутахассислар тайёрлашни, шунингдек олий таълимдан кейинги таълимни ҳамда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тай-ёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартла-ри талабларини ҳисобга олган ҳолда, университетнинг ўқув режалари ва дастурлари бўйича тўлов-контракт асосида олиб борилади;

филиалнинг жорий фаолиятини маблағ билан таъминлаш, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш, моддий-техника ва ўқув-методик базани жиҳозлаш университетнинг ўз маблағлари, талаба-ларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тушумлар, ҳомийлар ажратади-ган маблағлар ва бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади;

филиалга абитуриентлар қабул қилиш, шунингдек филиал битирувчи-ларини аттестациядан ўтказиш университет томонидан белгиланган тартиб-да ва муддатларда амалга оширилади;

бакалаврлар тайёрлаш дастури бўйича ўқитиш учун филиалга ҳар йили

қабул қилинувчилар 150 кишини, магистрлар тайёрлаш дастури бўйича эса — 75 кишини ташкил этади.

Белгилансинки, филиалнинг битирувчиларига университетнинг Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган белгиланган намунадаги дипломи берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги университети билан биргаликда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатини белгиласин.

5. Университет:

илғор педагогик ва ахборот технологияларини, фан ва олий таълимнинг энг янги ютуқларини ўқув жараёнига доимий равишда жорий этишга;

бакалаврият ва магистратура дастурлари бўйича қобилятли ва иқтидорли ёшларни ўқитиш учун грантлар ажратишга;

ўз маблағлари ҳисобига филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркиби малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга;

филиалнинг кутубхона фондини шакллантириш ҳамда замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан тўлдиришга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин».

4. 7-банддаги «Россия иқтисодиёт академияси» сўзлари чиқариб ташлансин, шунингдек «транспорт харажатлари» сўзларидан кейин «(авиачип-талар бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин.

5. 8-банддаги «Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси» сўзлари чиқариб ташлансин.